



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 4 (6)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

4

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

UDK: 818.213

BBK: 84.61

B- 29

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug‘ maqsadimiz – Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O‘zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Mirziyoyev

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан – это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

Президент Республики Узбекистан
Шавкат Мирзиёев

© Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti

© «KLASSIC PRINT» nashriyoti

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2025 yil

Ilmiy-uslubiy jurnal 1.09.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta’sischi:

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

Bosh muharrir o‘rinbosari

Mas’ul kotib

i.f.d., prof. A.Qodirov

DSc, prof. X.X.Rejapov

DSc. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay’ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.G.Yo‘ldashev, prof. A.M.Sodiqov, prof. Q.Muftaydinov, prof. K.Ubaydullayev, prof. Q.K.Mambetjanov, prof. I.Y.Umarov, prof. X.X.Rejapov, i.f.d. B.Tagayev, dots. A.T.Umarov, i.f.d. B.B.Baxtiyorov, i.f.d. K.A.Muxitdinova, dots. Sh.S.Nasretdinova, dots. B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. D.I.Ro‘ziyeva, dots. A.Ambartsumyan, dots. R.Abdullayeva, dots. A.Boboyev, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. M.I.Saidkarimova, dots. D.M.Yakubova, dots. N. Umarova

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko‘chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Журнал сайти: **<https://journal.econuu.uz>**

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro‘yxatga olingan.

Buyurtma: ISSN 978-9943-5256-3-4

Jurnal OAK ro‘yxatiga 2023 yil 1 iyuldan kiritilgan (OAK rayosat qarori 04.07.2023 yil № 340/5).

Jurnalda ma’lumotlar bosilganda dalillar ko‘rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma’lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti” №4. 2025

MUNDARIJA

Sattikulova G.A. the Importance of industrial development in the regions and the main directions for their effective use.....	7
Tagaev B.E., Shadiev A.N. The circular economy: A sustainable model for resource efficiency.....	12
Umarova X.D. Orol bo‘yi mintaqasida xizmat ko‘rsatish sohasini innovatsion boshqarishning o‘ziga xos xususiyatlari.....	18
Ibragimova G.S. The interrelationship between education and the economy.....	21
Durd qilichova R.M. Turdiyeva M.U. Innovatsion faoliyat samaradorligini ta’minlashda rag‘batlantirishni amalga oshirish omillari.....	25
Durd qilichova R.M. Turdiyeva M.U. To‘qimachilik sanoati korxonalarida innovatsion faoliyatini rag‘batlantirish strategiyasi.....	29
Tursunova N.X. Kompaniyaning barqaror rivojlanishini samarali boshqarish modelini ishlab chiqish.....	33
Ismoilova S.Y., O‘rinov D.A. Fundamental moliyaviy tahlil asosida moliyaviy rejalashtirish masalalari.....	39
Xaydarov X. “Sug‘urta nazariyasi va amaliyoti” fanida dolzarb innovatsion yondoshuvlar...	46
Bazarova G.G. Using artificial intelligence to increase employment in Uzbekistan.....	51
Ismoilova N.A. Makroiqtisodiy barqarorlik: Mohiyati, omillari va ahamiyati.....	55
Yangiyeva S.I., Daniyarova F.B. O‘zbekistonda biznes turizmining bugungi kundagi holati.	58
To‘lyaganov E.SH., Ubaydullaeva G.E. Korxonalarda personal boshqaruvini tashkil etishning uslubiy tizimlari.....	62
Abduvaxidova N.A. Hududlarda turizmni samarali rivojlantirishda turistik resurslaridan foydalanish amaliyotini takomillashtirish yo‘llari.....	66
Buranova M.A. Innovatsion salohiyat – sanoat korxonalarining samaradorligi va raqobatbardoshligini oshirish omili.....	70
Xashimova N.A. Ta’limda innovatsiyalarni qo‘llash orqali ta’lim sifatini oshirish.....	75
Захирова Г.М., Юсупова И.Ф. Анализ и тенденции развития сферы туризма в Узбекистане.....	79
Razzaqov D.H. Iqtisodiyot real sektori davlat-xususiy sherikchilik asosida xo‘jalik korxonalarida moliyaviy holat tahlili va auditini o‘tkazishning salohiyatidan foydalanishning nazariy asoslari.....	84
Mamajonov L.A., Odilbekov Sh.Sh., Tavakkalova Z.E. Byudjet tashkilotlarida mehnatga haq to‘lash yuzasidan hisob-kitoblar hisobi.....	87
Adilov B.B., Abduxakimov A.A. O‘zbekistonda rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyot yo‘nalishlaridan biri elektron tijoratning umumiy ko‘rinishi.....	90
Мамажонов Л.А. Худудларнинг солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омилларнинг самарадорлиги таҳлили.....	94
Sadikov Z.A. Strategies for enhancing financial transparency in light industry through improving cost accounting based on IFRS.....	98
Nosirov X.B. Sanoat korxonalariga investitsiyalarni jalb qilish orqali ishlab chiqarishni rag‘batlantirish istiqbollari.....	101
Odilbekov Sh.Sh., Botirova O.N. Hisob va kredit munosabatlarining auditi hamda uni takomillashtirish yo‘llari.....	104
Akbarova N.N. Jismoniy shaxslardan olinadigan mol-mulk va yer soliqlarini undirish mexanizmlarini takomillashtirish.....	107
Шарапова Н.К. Минтақани барқарор ривожлантиришга бағишланган назариялар эволюцияси.....	110
Uralov E.O. O‘zbekiston mintaqalari sanoatini hududiy tarkibini takomillashtirish.....	115
Каримов М.А. Олий таълим муассасаларнинг хронологик маълумотлари таҳлили.....	118
Қосимова Х.Ж. Барқарор ривожланиш стратегиясининг таркибий тузилиши.....	122

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

СОСТАВ СТРАТЕГИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

COMPOSITION OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT STRATEGY

Қосимова Ҳилола Жамshedовна

Бухоро Давлат Университети, Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада барқарор ривожланиш борасида иқтисодий адабиётда шаклланган илмий қарашларни таҳлил қилиш асосида унинг тарқбий тузилиши борасида муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий барқарорлик, экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодиёт, стратегия, барқарор ривожланиш стратегияси

В статье на основе анализа научных взглядов, сформировавшихся в экономической литературе, разрабатывается авторский подход к устойчивому развитию.

Ключевые слова: устойчивое развитие, экономическая устойчивость, социальная устойчивость, экологическая устойчивость, «зеленая» экономика, стратегия, стратегия устойчивого развития.

In the article, the author's approach to sustainable development is developed based on the analysis of the scientific views formed in the economic literature.

Key words: sustainable development, economic sustainability, social sustainability, environmental sustainability, "green" economy, strategy, sustainable development strategy

Жаҳон ҳўжалигида бозор иқтисодиёти муносабатларининг жадал суръатларда ривожланиши, жумладан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми суръатларининг барқарор ривожланиш тенденциялари глобал даражада барқарор ривожланишга оид илмий қарашларнинг шаклланишига олиб келди. Жумладан, XX асрнинг 80 йиллари охирида Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг Атроф муҳит ва ривжланиш комиссияси (World Comission on Environment and Development) томонидан “Бизнинг умумий келажагимиз (Our Common Future)” [1] мавзусидаги ҳисоботининг эълон қилиниши иқтисодий адабиётда “барқарор ривожланиш”га бағишланган илмий тадқиқотлар сонининг ортишига олиб келди. Глобал ташкилот томонидан эълон қилинган “барқарор ривожланиш” концепцияси мавжуд ресурслардан келажақ авлодларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ижтимоий, иқтисодий ва экологик барқарорликни таъминлаган ҳолда ривожланишга эришишга қаратилганлиги билан характерланади.

Жаҳонда барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашув борасида турли мамлакатлар иқтисодиётида экологик стандартларга мос келадиган юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали глобал қўшилган қиймат занжирида миллий саноатнинг улушини оширишга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, “глобал саноат ишлаб чиқаришида яратилаётон қўшилган қиймат ҳажмида Хитой, АҚШ, Япония ва Германия каби мамлакатлар етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, саноат соҳасида яратилаётган ялпи глобал қўшилган қиймат ҳажмининг 30,9 фоизи биргина Хитой ҳиссасига тўғри келиб, мамлакат саноат ишлаб чиқаришида рақамли трансформациялашув, ҳамда роботизация даражаси нисбатан юқорилиги билан характерланади” [2].

Янги Ўзбекистоннинг минтақавий саноатлашув борасидаги ислохотларининг устувор йўналишлари республик вилоятлари, жумладан, улардаги шаҳар ва туманларнинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришда уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инновацион фаолликни таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш занжирини тўлиқ ўзлаштиришга қаратилганлиги билан ҳарактерланади. Сўнгги йилларда “мамлакатда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари турларини кенгайтириш орқали аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини самарали қондириш” [3] га қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб, минтақавий саноатлашув борасидаги чора-тадбирлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари билан узвий алоқадорликда амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу ҳолат мамлакатда минтақавий саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегияси асосида амалга ошириш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Минтақавий саноатлашувни барқарор ривожлантириш стратегиясининг моҳияти, унинг илмий-назарий концептуал асослари, уни амал қилиш тамойиллари, амалга ошириш дастаклари, ҳамда, самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асослари Г. Петракос, Д. Пуга, Л.А. Рисси, М. Амита, Д.Р. Давис, Р. Добринский, Г. Эллисон каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Яқин хорижлик Т.Г. Косенко, Р.М. Притков, В.Г. Гусаков, А.В. Котов каби олимлар томонидан бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитида минтақавий саноатлашувни барқарор ривожланиш стратегиясини амалга ошириш масалалари тадқиқ этилган.


Ўзбекистонлик А.Т. Юсупов, Т.М. Ахмедов, Ф.Т. Эгамбердиев, Э.А. Ахмедов, Н. Тўхлиев, Қ.Қ. Шарипов, Д.Ш. Явмутов каби иқтисодчи олимлар томонидан мамлакатда минтақавий саноатлашув жараёнларини амалга оширишнинг миллий хусусиятлари тадқиқ этилган.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистонда барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашувни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар комплекс тарзда, тизимли, махсус тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги, қутилаётган илмий натижаларни илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантикийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Иқтисодий адабиётда “барқарор ривожланиш” борасида ўтказилган тадқиқотларни концепциянинг таркибий компонентларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий, иқтисодий в экологик (1-расм) илмий назарияларга ажратиш мумкин бўлади. Ҳар бир гуруҳ назариялари ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда изоҳланади:

барқарор ривожланишнинг ижтимоий назариялари – бу турдаги илмий қарашлар асосан жамият таркибида камбағаллик даражасини кмайтириш, аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичи, жумладан, турмуш сифатини оширишга қаратилган ҳисобланади;




1-расм. “Барқарор ривожланиш” концепциясининг илмий-назарий жиҳатдан таркибий тузилиши

Барқарор ривожланишнинг иқтисодий назариялари – бу турдаги илмий қарашлар асосан иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, барқарор ривожланиш тенденцияларига эришиш йўналишларига қаратилган ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги замонавий иқтисодий қарашларда барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида инновация ва рақамли технологияларга устуворлик қаратилиб келинмоқда;

барқарор ривожланишнинг экологик назариялари – бу турдаги илмий қарашларда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий-иқлимий шарт-шароитларнинг ёмонлашувини олдини олиш, экологик барқарорликни таъминлаш, флора ва фауна дунёсидаги турли туманликни сақлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Барқарор ривожланиш стратегиясининг мазмуни ва унинг моҳияти тўлиқ англаб етиш учун унинг илмий-назарий жиҳатдан таркибий компонентларини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, “барқарор ривожланиш” концепциясининг таркибига кирувчи илмий назариялар гуруҳларини тадқиқ этиб, уларни қиёсий таҳлилин аналга оширишни лозим топдик.

Барқарор ривожланишнинг ижтимоий назариялари жамият ҳаётида ижтимоий барқарорликни, жумладан, ижтимоий адолат ва фаровонликни таъминлашга қаратилган ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги илмий қарашларнинг асосини Ж. Ролзнинг “Ижтимоий адолат” [4] назарияси ташкил этади. Ушбу назария жамият ва унинг аъзолари ўртасида мавжуд ресурслар ва имкониятларни тенг тақсимлаш асосида ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилганлиги билан характерланади. Бунда бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида жамият таркибидаги ижтимоий табақаланишни олдини олиш, уни камайтириш йўналишларига устуворлик қаратилган ҳисобланади.



2-расм. Р.Д. Путман назариясига кўра, ижтимоий капитал таркибий тузилиши

Барқарор ривожланишнинг ижтимоий назариялари шаклланишида Р.Д. Путманнинг “Ижтимоий капитал назарияси” [5] ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий капитал назарияси жамият аъзоларининг умумий ривожланиш мақсадлари йўлида ўзаро ҳамкорлик ва ишонч асосида биргаликда ҳаракат қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Олим ўз тадқиқотларида ижтимоий капитални изоҳлашда когнитив ва таркибий ижтимоий капитални ўзаро фарқлайди. Когнитив ижтимоий капитал жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий меъёрлар ва турмуш сифати билан боғлиқ кўрсаткичларда ўз аксини топса, жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий алоқаларнинг ўрнатилганлик ҳолати, уларнинг вектор йўналишлари ижтимоий капиталнинг таркибини акс эттиради.

Барқарор ривожланишнинг ижтимоий назариялари таркибида демографик ривожланишга қаратилган илмий қарашлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу турдаги илмий назариялар мамлакат аҳолиси сони билан иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни бааҳолаш, жумладан, аҳоли сони билан иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Жаҳондаги етакчи мамлакатлар ўртасида глобал аҳолининг қариши ижтимоий муаммосининг авж олиши мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотларга бўлган қизиқишнинг ортишига олиб келди. Сўнгги йилларда Ж.Л. Гековияк [6], Г. Кайссиалс [7], К. Ошнер [8], З. Зхуанг [9], В. Михайлович [10] каби иқтисодчи олимлар томонидан аҳоли қариши глобал муаммоси авж олиб бораётган

Япония, Хитой, Германия ва бошқа тараққий этган мамлакатлардаги демографик кўрсаткичларнинг иқтисодий ўсишга таъсири баҳоланган.

Демографик ривожланиш назарияларига мувофиқ, аҳоли сони билан мамлакатдаги иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликларни таҳлил қилишда аҳолининг қариш коэффицентларини ҳисоблашда БМТ томонидан қабул қилинган қуйидаги усулларга асосланилади:

$$W_{60} = \frac{S_{60+}}{S} * 100\%,$$

$$W_{65} = \frac{S_{65+}}{S} * 100\%,$$

Бу ерда:

S_{60+}, S_{65+} – аҳоли таркибида 60 ёки 65 ёшдан катта бўлган аҳоли сони;

S – мамлакатдаги умумий аҳоли сони.

Одатда W_{60} коэффиценти бозор муносабатлари ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида қўлланилади. Ушбу ҳолат мазкур мамлакатларда иқтисодий-ижтимоий соҳадаги муаммоларнинг борлиги, аҳоли умр давомийлиги кўрсаткичини нисбатан пастлиги, аҳолининг пенсияга чиқиш ёшини эрта белгиланганлиги ва бошқа омиллар билан изоҳланади. W_{65} эса иқтисодий жиҳатдан ривожланган, аҳоли умр давомийлиги юқори ва аҳолини пенсияга чиқиш ёши нисбатан кечроқ белгиланган мамлакатларда қўлланилади.

1-жадвал

Ж.Боже – Гране – Э.Россетларнинг аҳолини демографик кексайиш жараёнини баҳолаш шкаласи [11]

Босқичлар	$S_{60+}, \%$	Аҳолининг кексайиш даражаси
1	<8	Демографик ёш
2	8-10	Аҳолининг қариши кутилаётган мамлакатлар
3	10-12	Аҳолининг қариши бошланаётган мамлакатлар
4	>12	Демографик кекса мамлакатлар
	12-14	Демографик кексайишнинг бошланғич даражаси
	14-16	Демографик кексайишнинг ўрта даражаси
	16-18	Демографик кексайишнинг юқори даражаси
	>18	Демографик кексайишнинг энг юқори даражаси

Агар мамлакатда аҳолини қариши коэффиценти “ W_{60} ” орқали ҳисобланган бўлса унда ушбу мамлакатлар Ж.Боже – Гране – Э.Россет шкаласи бўйича баҳоланади. Бу турдаги гуруҳлаш амалга оширилганда мамлакатлар демографик ёш, қарилик кутилаётган, кексайиш бошланаётган ва демографик кекса мамлакатлар гуруҳларига ажратилади (1-жадвалга қаранг). Ўз ўрнида демографик кекса мамлакатлар демографик кексайишнинг бошланғич даражасидаги мамлакатлар, кексайишнинг ўрта даражасидаги, юқори ва энг юқори даражадаги мамлакатларга ажратилади. Шу билан биргаликда, мамлакатлар аҳолисини кексайиш коэффиценти “ W_{65} ” орқали ҳисобланган тақдирда БМТ шкаласи бўйича мамлакатлар ёш мамлакатлар, кексайиш арафасидаги ва аҳолиси кекса мамлакатлар гуруҳларига ажратилади (2-жадвал).

2-жадвал

БМТнинг аҳолини демографик кексайиш даражасини баҳолаш шкаласи [12]

Босқичлар	$S_{65+}, \%$	Аҳолининг кексайиш даражаси
1	<4	Демографик ёш аҳоли
2	4-7	Демографик кексайиш арафасидаги мамлакатлар
3	>7	Демографик кекса мамлакатлар

БМТ томонидан аҳолини демографик ёш таркиби жиҳатдан кексайишини баҳолаш амалиётида юқорида келтирилган икки усулни умумий тарзда ўзида акс эттирувчи услубиётга кўра, мамлакатлардаги жами аҳоли таркибида 60 ёш ва ундан катталарнинг улушига кўра демографик ёш, кексайиб бораётган, кекса ва демографик кекса мамлакатлар гуруҳларига ажратилади (3-жадвал).


3-жадвал

Мамлакатларнинг аҳоли кексайишига кўра гуруҳланиши [13]

Гуруҳ	Жами аҳоли таркибида 60 ва ундан катта ёшдагиларнинг улуши, %да	Гуруҳнинг номи
1	8 фоиздан кам	Демографик ёш
2	8-10 фоиз	Кексайиб бораётган
3	10-12 фоиз	Кекса
4	12 фоиздан юқори	Демографик кекса


Барқарор ривожланишнинг ижтимоий назариялари таркибида камбағаллик даражасини камайтиришга қаратилган илмий қарашлар ҳам ўз ўрнига эга ҳисобланади. Бу турдаги илмий қарашлар мамлакатдаги иқтисодий ўсишни ижтимоий тенгликни таъминлааган ҳолда амалга оширилишига қаратилган ҳисобланади.

Аҳолининг пулдаги даромади



3-расм. Халқаро ташкилотлар томонидан камбағаллик даражаасини аниқлаш услубиёти

Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) экспертлари томонидан ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини аниқлашда мамлакатдаги турмуш даражасидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотлар амалга оширилади. Ушбу жараёнда асосий эътибор мамлакатда қабул қилинган ва жамият томонидан эътироф этилган яшаш минимуми билан истеъмол саватчаси ўртасидаги нисбат аниқланиб, белгиланган яшаш минимумидан қуйи даражада яшаётган аҳоли қатламлари ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари ҳисобланади. Бунда аҳоли ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламлари турмуш даражаларига кўра турли гуруҳларга ажратилади. Одатда иқтисодий адабиётда ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламлари жамиятнинг қуйи турмуш фаровонлиги яшаш минимумига эга бўлган қисми деб ҳисобланиб, улар қуйи-юқори (3-расм бўйича X_1), қуйи-ўрта (3-расм бўйича X_2) ва қуйи-қуйи (3-расм бўйича X_3) турмуш фаровонлиги билан баҳоланади.



4-расм. Барқарор ривожланишнинг ижтимоий назарияларига хос бўлган хусусиятлар

Барқарор ривожланиш концепциясининг ижтимоий ривожланиш назариялари таркибий компонентларини таҳлил қилиш асосида ушбу турдаги илмий қарашлар жамият ҳаётида ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлаш, демографик барқарорликка эришиш, ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари орқали барқарор ижтимоий ривожланишнинг кумулятив самарадорлиги ҳисобига иқтисодий ўсишга эришишга қаратилганлиги аниқланди.

Барқарор ривожланишнинг иккинчи гуруҳ назариялари бу иқтисодий ривожланишга қаратилган илмий қарашлардан ташкил топган бўлиб, бугунги кунда иқтисодий адабиётда бу турдаги илмий қарашлар Кейнсианизм, Неоклассик, Ҳар бир авлод учун иқтисодий тенглик, ҳамда, Яшил иқтисодиёт каби иқтисодий ривожланишнинг барқарор моделларини ривожлантиришга қаратилган илмий қарашлардан ташкил топган ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг тобора ривожланиб бориш тенденциялари мамлакат иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишнинг янги чегараларини ўрнатиш, жумладан, реал сектор тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини яратишга қаратилган илмий қарашларни шаклланишига олиб келди. Бу турдаги илмий қарашлар Ж.М. Кейнснинг илмий қарашларига асосланган бўлиб, бугунги кунда “Янги Кейнсчилик” [14] қарашларини шаклланишига сабаб бўлди. Ушбу илмий қарашлар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш орқали барқарор ривожланишга эришиш, жумладан, инфляцияни жиловлаш [15], давлат томонидан молиялаштириш орқали капитал оқими самарадорлигини ошириш [16], табиий-иқлимий шарт-шароитлар ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини юритиш [17] каби йўналишларда амалга оширилиб келинмоқда.

Шу билан биргаликда, барқарор ривожланишнинг Неоклассик ривожланиш назариялари бозор иқтисодиёти шароитида инновациялар орқали техник-технологик силжишларга эришиш, миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялар, унда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилганлиги билан характерланади. Сўнгги йилларда иқтисодий адабиётда С. Денис [18], Д. Виллануела [19], В. Кентон [20], Р.А. Мигунов [21] каби узоқ хорижлик олимлар томонидан Неоклассик назариялар асосида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг устувор йўналишлари тадқиқ этилган. Ушбу илмий тадқиқотларда замонавий иқтисодий муносабатлар шароитида инновациялар барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатид баҳоланганлиги билан характерланади. Шу билан биргаликда, инновациялар иқтисодий самарадорликка эришишда ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш имкониятларини кенгайтириш илмий жиҳатдан исботланган.

Ҳар бир авлод учун тенглик назариялари барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда келажак авлод манфаатларини инобатга олган ҳолда ривожланишга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, О. Фучс [22], С.М.Паул [23], Г. Барсалло [24] каби узоқ хорижлик олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқотларда мазкур йўналишдаги илмий қарашлар миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлари, хусусан, саноати соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида табиий ресурслардан келажак авлод эҳтиёжларини инобатга

олган ҳолда, улардан самарали фойдаланишга қаратилганлиги исботланган. Бунда асосан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали уларни келажак авлод эҳтиёжлари учун асраш, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда ҳам ашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Шу билан биргаликда, барқарор ривожланишнинг “Яшил иқтисодиёт назариялари” борасида сўнгги йилларда иқтисодий фанда кўп сонли илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу турдаги илмий қараашлар барқарор ривожланиш мақсадларига экологик хавф-хатарларни, жумладан, атроф-муҳитга салбий зарар етаказмаган ҳолда, экологик муҳит билан ўзаро боғланган иқтисодий муносабатлар тизимини шакллантиришга қаратилганлиги билан характерланади. Бунда иқтисодий аҳамиятга эга бўлган табиий капитал, экологик хизматлар, экотизимларни инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштиришга қаратилган ҳисобланади. Сўнгги йилларда узоқ хорижлик иқтисодчи олимлардан А. Сулич [25], М. Адамович [26], И.А. Путри [27], Қ. Янг [28], Л.Ж. Козар [29] кабиларнинг илмий ишларида “Яшил иқтисодиёт назарияси” асосида барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг устувор йўналишлари тадқиқ этилган.

Ресурслардан самарали фойдаланиш

- Юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш занжирини яратиш

Инновация ва замонавий технологиялар

- Маҳсулот ишлаб чиқаришда экологик тоза технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш

Маҳаллий ва глобал ҳамкорлик

- Халқаро ташкилотлар ва хусусий сектор билаан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш

5-расм. Барқарор ривожланишнинг иқтисодий йўналишдаги назариялари учун хос хусусиятлари

Умуман олганда, барқарор ривожланишнинг иқтисодий йўналишдаги илмий қарашлар учун ресурслардан самарали фойдаланиш, инновация ва замонавий технологиялар, маҳаллий ва глобал ҳамкорлик каби хусусиятлар хос эканлиги аниқланди (5-расмга қаранг).

Барқарор ривожланишнинг экологик йўналишдаги илмий қарашлар атроф-муҳитни химоя қилиш, жумладан, инсон фаолиятининг салбий жиҳатдан экологик таъсирини камайитиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Экологик йўналишдаги барқарор ривожланиш назарияларининг шаклланишида Т. Малтуснинг аҳоли сони ўсиши тўғрисидаги илмий қарашлар муҳим аҳамият касб этган ҳисобланади. Бунда мамлакатда аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида ресурслар, айниқса, табиий ресурслар танқислиги муаммоси вужудга келиши илмий жиҳатдан исботланган. Жумладан, сўнгги йилларда иқтисодий адабиётда узоқ хорижлик Р.С. Суттер [30], Й. Тао [31], И.М. Сисерча [32], А.А. Сожеска [33] каби олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқотларда Т. Малтус ёндашуви асосида мамлакатда аҳоли сонининг ортиши билан табиий ресурсларга бўлган талаб ҳажмининг ортиши ўртасидаги ўзаро алоқадорлик баҳоланиб, саноат ва қишлоқ хўжалигида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўналишлари, жумладан, инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайитириш имкониятлари аниқланган.

Барқарор ривожланишнинг экологик йўналишдаги илмий қарашларининг яна бир гуруҳи бу “Экологик “из” назарияси” ҳисобланади. Сўнгги йилларда мазкур йўналишда узоқ хорижлик иқтисодчи олимлардан Д. Лин [34], З. Ванг [35], Ф. Алрувиелли [36], С.В. Опреа

[37] кабилар илмий тадқиқотлар олиб борган ҳолда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида узлуксиз иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкинлиги исботланган. Бунда инсонларнинг табиатга таъсири “из” сифатида баҳоланиб, табиат томонидан қайта тикланадиган ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланиш асосида уларга қайта тикланиш имкониятларини яратиш ҳисобига ресурс таъминоти занжирини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган ҳисобланади. Айрим иқтисодий тадқиқотларда мазкур йўналишдаги илмий қарашлар “Қайта тикланадиган ресурслар назарияси” сифатида ҳам баҳоланган.

Табиатни муҳофаза қилиш

- биохилма-хилликни сақлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш

Иқлим ўзгаришига қарши курашиш

- Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш

Сув ва тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш

- Чучук сув захираларини тежаш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш

6-расм. Барқарор ривожланишнинг экологик йўналишдаги назариялари учун хос хусусиятлари

Умуман олганда, барқарор ривожланишнинг экологик йўналишдаги илмий қарашлари учун табиатни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, сув ва тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби хусусиятлар (6-расмга қаранг) хос эканлиги аниқланди.

Таҳлилларга кўра, барқарор ривожланишнинг таркибий назариялари учун қуйидаги хусусиятлар хос эканлиги аниқланди:

ижтимоий назариялар – жамиятда ижтимоий тенглик ва долатни таъминлаш, ижтимоий капитални (ёки инсон капиталини) ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда иқтисодий самарадорликка нисбатан камроқ эътибор қаратилган ҳисобланади;

иқтисодий назариялар – асосий устуворлик иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган бўлиб, ижтимоий ва экологик омиллар иккиламчи аҳамиятга эга ҳисобланади;

экологик назариялар – асосий устуворлик экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатиши мумкин ҳисобланади.

Демак, барқарор ривожланиш стратегияси асосида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда унинг таркибий компонентлари ҳисобланган ижтимоий, иқтисодий ва экологик йўналишдаги илмий қарашлар асосида миллий ривожланиш моделини ишлаб чиқиш талаб этилади, деган хулосага келинди. Бунда мамлакат миллий иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг ривожланиш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларига устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Brundtland G. Report of the World Commission on Environment and Development: Our Common Future. United Nations General Assembly document A/42/427. 1987. – 300 pages
2. Thomas, D (2023) Annual Report on the U.S. Manufacturing Economy: 2023. (National Institute of Standards and Technology, Gaithersburg, MD), NIST Advanced Manufacturing Series 600-13-upd1. – 64 p.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сон қарори, 24.08.2019 й. <https://lex.uz/ru/docs/4486600>

4. Said M.Y., Nurhayati Y. A Review on Rawls Theory of Justice. *International Journal of Law Environment and Natural Resources*. Vol. 1 (1), April, 2021. – pp. 39-36
5. Putman R.D. Social Capital and Public Affairs. *Bulletin of the American Academy of Arts and Sciences*, Vol. 47, No. 8, May, 1994. – pp. 5-19
6. Grzeszkowiak J.L. Demographic Change and its Impact on Economic Growth. *JGPG*, Vol. 6. 2017. – pp. 35-39.
7. Cayssials G., Ganzalez F.A.I., London S. Population and Economic Growth: a Panel Causality Analysis. *Population and Economics*, Vol. 8 (3), November, 2024. – pp. 220-240
8. Ochsner Ch., Other L., Theil E., Zuber Ch. Demographic Aging and Long-Run Economic Growth in Germany. Working Paper 02/2024, German Council of Economic Expert, February, 2024. – 51 pages.
9. Zhuang Z. Differences in the Relationship between Economic Growth and Population Change in Developing and Developed Countries. *SHS Web of Conferences* 207, 04020 (2024), ICDEBA, 2024. – pp. 1-13. DOI: 10.1051/shsconf/202420704020
10. Mihajlovic V., Miladinov G. Impact of Population Ageing on Economic Growth in Emerging EU Countries. *Journal of Economics*, Vol. 72, No. 1-2, 2024. – pp. 50-71
11. Медков В. М. Демография. – М.: Инфра-М, 2008. - 688 с. маълумотлари асосида тузилган
12. Медков В. М. Демография. – М.: Инфра-М, 2008. - 688 с. маълумотлари асосида тузилган
13. Ochsner Ch., Other L., Theil E., Zuber Ch. Demographic Aging and Long-Run Economic Growth in Germany. Working Paper 02/2024, German Council of Economic Expert, February, 2024. – 51 pages.
14. Bigio S., Ishide A. New Keynesian Economics Through the Extensive Margin. National Bureau of Economic Research, Working Paper 33332, University of California at Los Angeles, January, 2025. – 18 pages.
15. Alves S.L., Khan H. Are New Keynesian Models Useful When Trend Inflation is Not Very Low? *Carleton Economics Working Papers*, Carleton University, Canada, February, 2025. – 50 pages.
16. Eduardo G.C. Amaral. Smoothing the New-Keynesian Capital Puzzle. *Banco Central Do Brasil*, Working Paper 606, Brasilia, November, 2024. – 32 pages.
17. Sahuc J.G., Smets F., Vermandel G. The New Keynesian Climate Model. *Banque De France*, Working Paper 977, University Paris-Nanterre, Paris, December, 2024. – 53 pages.
18. Denis S. Structural Change in Neoclassical Growth Literature. *University of Hgan*, Germany, February, 2014. – 23 pages.
19. Villanuela D. Toward a General Neoclassical Theory of Economic Growth. *The Philippine Review of Economics*, Vol. 60 (2), December, 2023. – pp. 60-80
20. Kenton W. Neoclassic Economics: What It is and Why It’s Important. June 26, 2024. [Web Reosurce] URL: <https://www.investopedia.com/terms/n/neoclassical.asp>
21. Migunov R.A., Syutkina A.A. Classical and neoclassical economic theory: fundamentals of regulation for the agricultural sector. *BIO Web of Conferences* 82, 05031 (2024). MSNBAS, 2023. – 10 pages. DOI: 10.1051/bioconf/20248205031
22. Fuchs O., Lorenz E., Fuchs L. Generation Differences in Attitudes Toward Work and Career: A Systematic Literature Review On The Preferences of Generations X, Y and Z. *International Journal of Innovative Research and Advanced Studies (IJIRAS)*, Vol. 11, Issue 7, July, 2024. – pp. 54-71
23. Paul C.M., and Montenegro Y.P. Generación digital en Panamá: Activismo, identidad y sentido de pertenencia. *Revista Contacto*. Vol. 3, 2024. – pp. 35–54
24. Barsallo G., Ortiz V., Yanis-Orobio R., Mendoza E. Generational Identity, Values, and Sense of Belonging. *Social Sciences*, Vol. 13 (641), 2024. – 17 pages. DOI: 10.3390/socsci13120641
25. Sulich A., Zema T. Green jobs, a new measure of public management and sustainable development. *European Journal of Environmental Sciences*, Vol. 8 (1), 2018. – pp. 69-75
26. Adamowicz M. A Green Concept of Economic Growth and Development. *Economic and Regional Studies*, Vol. 15 (2), June, 2022. – pp. 158-180.

27. Putri I.A., Mushfiroh L. Green Economic Growth: A Global Analysis of Fiscal Expenditures, Institutional Quality, and Stock Markets. *Journal of Environmental Economics and Sustainability*, Vol. 1, Number 3, 2024. – pp. 1-11. DOI: 10.47134/jees.v1i3.345
28. Yang Q., Cui W., Wang X. Integrated development of green finance and green accounting in policy banks. *Environmental Science and Pollution Research*, Vol. 30 (27), 2023. – pp. 70742-70759
29. Kozar L.J., Bolimowski S. Exposing Greenwashing: A Catalyst for Green Economy Development. *Scientific Papers of Silesian University of Technology. Organization and Management Series No. 197*. Silesian University of Technology Publishing House, 2024. – pp. 365-385
30. Sutter R.C. Te pre-Columbian peopling and population dispersals of South America. *J. Arch. Res.* Vol. 29, 2021. – pp. 93–151
31. Tao Y. From Malthusian stagnation to modern economic growth: a swarm-intelligence perspective. *Journal of Physics: Complexity*, Vol. 5, 2024. – 19 pages. DOI: 10.1088/2632-072X/ad5822
32. Cicerchia L.M. Malthus and the moral economy of reproduction. *Hypatia* Vol. 38, 2023. – pp. 587–606
33. Sojecka A.A., & Drozd-Rzoska A. Global Population: From Super-Malthus Behavior to Doomsday Criticality. *Scientific Reports*, Vol. 14, 2024. – 12 pages. DOI: 10.1038/s41598-024-60589-3
34. Lin D., Hanscom L., Murthy A., Galli A., Evans M., Neill E., Mancini M. S., Martindill J., Medouar F. Z., Huang S., & Wackernagel M. Ecological footprint accounting for countries: Updates and results of the national footprint accounts, 2018. – pp. 2012-2018.
35. Wang Z and Jia X. Analysis of energy consumption structure on CO2 emission and economic sustainable growth. *Energy Reports*, Vol. 8, 2022. – pp. 1667-1679
36. Alruwielli F. Impact of GDP growth on the ecological footprint: Theoretical and empirical evidence from Saudi Arabia. *International Journal of Advanced and Applied Sciences*, Vol. 10 (5), 2023. – pp. 120-129
37. Oprea S.V., Bara A., Georggescu I.A. Assessing the Dynamics of Ecological Footprint in Relation to Economic and Energy Factors: A Comparative Analysis of Finland and Japan. *Journal of Knowledge Economy*, August, 2024. – 36 pages. DOI: 10.1007/s13132-024-02312-1

UDK: 338.46

**XIZMAT KO‘RSATISH KORXONALARIDA RAQOBATBARDOSHLIKNI OSHIRISH
STRATEGIYALARI**

**СТРАТЕГИИ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ
СФЕРЫ УСЛУГ**

STRATEGIES FOR INCREASING COMPETITIVENESS IN SERVICE ENTERPRISES

Kuldoshev Lazizjon Sharifovich

Samarqand davlat transport universiteti Kattaqo‘rg‘on filiali assistenti

Annatatsiya

Mazkur maqolada xizmat ko‘rsatish korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishda strategiyalarining roli tahlil qilinadi. Tadqiqotda xizmatlar sohasining iqtisodiy o‘rinishidagi o‘rni, raqamli transformatsiya, avtomatlashtirish, xizmatlar diversifikatsiyasi va mijozga yo‘naltirilgan yondashuvlarning samaradorlikka ta’siri ilmiy asosda yoritilgan. O‘zbekiston Respublikasi misolida

statistik ma'lumotlar, davlat dasturlari va hududlar kesimidagi dinamik o'zgarishlar tahlili orqali xizmatlar sohasining hozirgi holati va istiqbollari ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: Xizmatlar sohasi, raqobatbardoshlik, innovatsion strategiya, boshqaruv, raqamli texnologiyalar, avtomatlashtirish, xizmatlar eksporti, iqtisodiy o'sish, mijozga yo'naltirilgan xizmatlar, davlat qo'llab-quvvatlovi, xizmat diversifikatsiyasi, barqaror rivojlanish, texnologik modernizatsiya, O'zbekiston, makroiqtisodiy tahlil.

В данной статье проанализирована роль стратегий в повышении конкурентоспособности предприятий сферы услуг. В исследовании научно обосновано значение сектора услуг в экономическом росте, влияние цифровой трансформации, автоматизации, диверсификации услуг и ориентированных на клиента подходов на повышение эффективности. На примере Республики Узбекистан представлены текущие тенденции и перспективы развития сферы услуг на основе статистических данных, государственных программ и динамики по регионам.

Ключевые слова: сфера услуг, конкурентоспособность, инновационная стратегия, управление, цифровые технологии, автоматизация, экспорт услуг, экономический рост, клиенториентированные услуги, государственная поддержка, диверсификация услуг, устойчивое развитие, технологическая модернизация, Узбекистан, макроэкономический анализ.

In this article, the role of innovative management strategies in enhancing the competitiveness of service enterprises is analyzed. The study scientifically explores the contribution of the service sector to economic growth, as well as the impact of digital transformation, automation, service diversification, and customer-oriented approaches on operational efficiency. Based on the case of the Republic of Uzbekistan, the article presents an analysis of current trends and future prospects of the service sector through statistical data, government programs, and regional dynamics.

Keywords: Service sector, competitiveness, innovative strategy, management, digital technologies, automation, service export, economic growth, customer-oriented services, government support, service diversification, sustainable development, technological modernization, Uzbekistan, macroeconomic analysis.

Zamonaviy global iqtisodiy sharoitda xizmat ko'rsatish sohasi iqtisodiyotning eng tez rivojlanayotgan va innovatsiyalar bilan chambarchas bog'liq bo'lgan tarmoqlaridan biriga aylanmoqda. Shu bois, sohani rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash maqsadida “O'zbekiston–2030” strategiyasida xizmatlar sektorini modernizatsiya qilish, innovatsion texnologiyalarni keng joriy etish va boshqaruvning ilg'or mexanizmlaridan foydalanish orqali samaradorlikni oshirish ustuvor yo'nalishlardan biri sifatida belgilangan.

Hozirgi davrda xizmat ko'rsatish korxonalari oldida bozor talablariga moslashish, innovatsion yondashuvlar orqali xizmat sifatini oshirish va mijozlar ehtiyojlarini maksimal darajada qondirish kabi muhim vazifalar turibdi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 20-aprelda qabul qilingan “Davlat xizmatlari ko'rsatish tizimini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirishning 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Milliy strategiyasi” xizmat ko'rsatish sohasida innovatsiyalarni keng tatbiq etish, xizmatlarning sifati va samaradorligini oshirish hamda mijozlarga yo'naltirilgan boshqaruv tizimini joriy qilish zarurligini ta'kidlaydi. Bu esa xizmat ko'rsatish sohasida raqobatbardoshlikni oshirish uchun innovatsion yondashuvlar va ilg'or boshqaruv strategiyalarining muhimligini yana bir bor tasdiqlaydi.

Ilmiy tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, xizmat ko'rsatish sohasida innovatsion faoliyatni rivojlantirish korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishda asosiy omillardan biri hisoblanadi. Zamonaviy innovatsion yondashuvlar xizmat sifatini yaxshilash, xizmat ko'rsatish jarayonlarini optimallashtirish va iste'molchilarga moslashtirilgan xizmatlarni taqdim etish imkoniyatini yaratadi. Xalqaro tajriba shuni ko'rsatadiki, innovatsiyalarni samarali joriy etgan korxonalar nafaqat ichki bozorda o'z pozitsiyalarini mustahkamlashga, balki global raqobat maydonida ham muvaffaqiyat qozonishga erishmoqda. Shu sababli, ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi xizmat ko'rsatish